

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2023 йил “19” октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд  
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг  
17 - сон баёни**

2023 йил “25” сентябрь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов  
комиссияси раиси

**Қатнашганлар:** Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир  
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги  
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратидаги  
мавжуд вакант лавозимлар учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат  
босқичини ўтказиш тўғрисида**

*(Мирзамахмудов, Мамадаминов, Шукуров, Раупов, Файзиев, Мирзамахмудов)*

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги мавжуд Марказий диспетчерлик бўлими бош мутахассиси, Қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия самарадорлиги ва энергия аудити бошқармаси етакчи мутахассиси ва Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 196 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичдан мувафаккиятли ўтган жами 9 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи 2023 йил 25 сентябрь куни Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда баҳоланди.


Танлов комиссияси аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Марказий диспетчерлик бўлими бош мутахассиси лавозимига **Мамажумаев Шухрат Рўзмаматович** номзоди маъқуллансин.


2. Қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия самарадорлиги ва энергия аудити бошқармаси етакчи мутахассиси ва Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси лавозимларига голиблар аниқланмаганлиги сабабли, ушбу лавозимларга қайта танлов эълон қилинсин.

3. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) голиб бўлган номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.


4. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.




У.М. Мамадаминов




Ф.Н. Файзиев



Д.Л. Шукуров



Д.И. Исанбеков




А.А. Раупов



Ш.С. Файзуллоев



З.Н. Файзиев



Х.А. Куйжанов